

**“Фаргонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати  
томонидан 2021 йил давомида амалга  
оширилган тадбирлар  
Х И С О Б О Т И**

2021 йил давомида “Ўзкимёсаноат” АЖ да тасдиқланган “Йўл харитаси”да курсатилган вазифалар ҳамда “Фаргонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизматининг йуналиш буйича йиллик иш режаси асосида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

**Коррупцияга оид қабул қилинган ҳужжатлар ва уларни таништирилганлик даражаси**

Утган ҳисобот йилида “Фаргонаазот” АЖ ҳуқуқшунослик бўлими билан ҳамкорликда 15 та меёрий ҳужжатлар тайёрланди ва раҳбарият томонидан тасдиқланди. Жумладан:

1. “Положение о комиссии по этике АО “Ferganaazot”;
2. “Инструкция по проверке контрагентов АО “Ferganaazot”;
3. “Политика по управлению конфликтом интересов АО “Ferganaazot”;
4. “Положение об аттестационных комиссиях в службах АО “Ferganaazot”;
5. “Политика по дарению и получению подарков, организации и участию в деловых мероприятиях, осуществлению представительных расходов в АО “Ferganaazot”;
6. “Методика мониторинга и контроля соблюдения антикоррупционных мер в АО “Ferganaazot”;
7. “Политика по проведению внутренних расследований в АО “Ferganaazot”;
8. Утверждена “Антикоррупционная оговорка в АО “Ferganaazot”;
9. Утверждена “Регламент обработки сообщений”;
10. Утверждена “Регламент по отчетности”;
11. Утверждена “Инструкция по проверке кандидатов”;
12. Утверждена “Методика антикоррупционного обучения”;
13. Утверждена “Анкета кандидата на работу в АО “Ferganaazot”;
14. “Политика по блогорывительной и спонсорской деятельности АО “Ferganaazot”;
15. “Политика согласования, подписания и исполнения договоров АО “Ferganaazot”.

Ушбу меёрий ҳужжатлар корхонанинг ҳар бир бўлим-булинмалари ҳамда цехлар раҳбарларига юборилди ҳамда ҳафтанинг жума кунлари утказиладиган маънавийат кунларида ходимларга етказиб борилди. Шунингдек, мазкур меёрий ҳужжатлар танишув варакалари орқали таништириб борилмоқда.

## **Тузилган шартномлар, ўтказилган тендер ва конкурслар қонунийлиги ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги**

Утган ҳисобот йилида корхона томонидан 1075 та шартномалар жами 229 352 561 574 сумлик қийматда, (2021 йилнинг 25 декабргача - 1075 та шартномалар жами 229 352 561 574 сумлик қийматда, шундан шартномалар турлари буйича қурилганда; биржалар орқали – 1051 тани, корпоратив карта – 173 тани, кредит (займ) – 1 тани, тугридан-тугри шартномалар– 554 тани ташкил қилади) тузилган бўлиб, шартномалар ички меъёрий ҳужжатларга мос келади. Тузилган шартномаларни турлари буйича қурилганда биржалар орқали - 1051 тани, корпоратив карта 173 та, тугридан-тугри 554 тани ташкил қилади.

Тугридан тугри тузилган 554 та шартномалар асосан монополист ташкилотлар билан коммунал туловлар учун ҳамда корхона томонидан етказиб берилган эл.энергия, сув ва хизмат қурсатиш, лойиха ташкилотлари билан амалга оширилган ишларни ташкил этади. Уларни урганиш давомида манфаатлар тукнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Шартномаларни урганиш жараёнида талаблар буйича маҳсулотлар уз вақтида етказиб берилганлиги, сабабсиз етказиб бермаслик ҳолатлари ҳамда муддатларини ўтказиб юбориш ҳолатлари аниқланмади. Ушбу даврда биржа орқали жами 5033518124,0 сум бўлган 19 та тендерлар ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган. Танловлар ўтказилмаган.

Жорий йилда жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ-хўжалик, саноат ва қурилиш маҳсулотларини сотиб олмақчи бўлаётган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 268 та шартномаларда кўрсатилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳулосалар берилди.

Маҳсулотларни олди-сотдиси ва ишга қабул қилиш учун тузиладиган икки томонлама шартномаларда коррупциявий қонунбузилиш ёки ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида 2021 йил 20 апрелдаги №556 сонли буйруқ билан “Антикоррупционная оговорка АО “Ferganaazot”” ишлаб чиқилиб, шартномаларга алоҳида бандлар киритилди.

## **Берилган ёки олинган совғалар, амалга оширилган вакиллик харажатлари, корпоратив карталардан фойдаланишда қонунчилик талаблари бажарилиши.**

Жамият томонидан жорий йилда 5 млн 270 минг сумлик совғалар берилган бўлиб, қилинган харажатлар қорхонанинг ички меъёрий ҳужжатларига мос келади.

“Фаргонаазот” АЖ нинг “Ўзқимёсаноат” АЖ даги вакиллик харажатлари учун жами 95 млн.090 минг 934,92 сум маблағ сарфланган бўлиб, ундан 92 млн. 269 минг 913,94 сум ойлик маошларни, 2 млн 821 минг 020,98 сум коммунал туловларни ташкил этади.

2021 йилда жамият бизнес режасида қура 6 млрд 901 млн 700 минг сумлик хомийлик харажатлари қузда тутилган бўлиб, жорий йилда республика

Хукумати топширигига кура 5 млрд 291 млн. 460 минг сум, Фаргона вилояти ва шаҳар Хокимликлари топширигига кура 526 млн 907 минг сум, Жамият бошқаруви қарорларига кура 399 млн. 500 минг сум, жами 6 млрд 217 млн. 867 минг 023 сум хомийлик ишлари амалга оширилган. (Хайрия тадбирлари утказилмаган).

**Фуқароларни ишга олиш ва ходимларни лавозимдан лавозимга ўтказишда амалдаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатларга мослиги, аниқланган манфаатлар тўқнашуви, мавжуд камчиликлар, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори ижроси ҳолати.**

Корхонада фуқароларни ишга қабул қилиш Низом ва номзодларни текшириш бўйича йуриқнома (Буйруқ №1254, 11.08.2021й.) меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ташкил қилинган.

Жамият раҳбарияти томонидан ҳафтанинг ҳар душанба-сешанба кунлари мурожаатчиларни қабул қилиш ишлари амалга оширилиб, ишга кириш масалалари атрофлича урганиб чиқилмоқда. Жорий йилда корхона жисмоний ва юридик шахслардан қабул қилиш бўлимига 508 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улардан 362 таси (71 %) ишга жойлашиш масаласида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан жорий йил 1 сентябрдан жорий этилган ҳамда ишчи комиссия аъзолари тасдиқланган.

Утган ҳисобот йилида корхонага жами 182 нафар фуқаролар ишга қабул қилинган бўлиб, улардан 61 таси янги дастур асосида ишга қабул қилинган. Корхонада 2824 ишчи-хизматчилар ички иш жойини узгариши муносабати билан бошқа лавозимларга утказилган.

Ушбу йуналишда олиб борилган тадбирлар жараёнида, «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 24 сентябрдаги № 1507-сонли буйруғига асосан, шу йилнинг сентябрь ойида идоравий ҳарбийлаштирилган куриклаш бўлимида видеокузатув оператори лавозимида ишловчи И.Х.Рузиев томонидан фуқоро Э.Р.Махмудовни ишончига кириб, моддий манфаатдорлик эвазига (300 АКШ доллари эвазига) ишга киритиб қуйишни ваъда қилганлиги ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви утказилди. Натижада, И.Рузиев Э.Махмудовдан олган 300 АКШ долларини қайтариб берди ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шунингдек, жамият ходимлари орасида **манфаатлар тўқнашувига** йул қуймаслик, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида олиб борилган

ишлар натижасида корхонада ишловчи рахбар ва ишчи-ходимлар орасида мазкур меъёрий хужжат талабларига зид ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

1. Корхона хужалик цехи бошлиги лавозимида ишловчи Райимбердиева Азиза Сайдахмедовна бевосита рахбарлиги остида кизи Сотволдиева Шахзода Мухторовна омборчи вазифаси билан кумаклашувчи ишлар буйича уста лавозимида ишлаётганлиги;

2. АС-72 М цехи бошлиги уринбосари Тиллабоев Сайпулла Кимсанович кул остида кизи Кимсанбоева Фирузабону Сайфулла кизи режалаштириш тизими буйича иқтисодчи лавозимида ишлаётганлиги;

3. Озик-овкат содаси ишлаб чиқариш цехи бошлиги Махмудов Холдорали Худойбердиевич кул остида укаси Махмудов Шавкат Худойбердиевич шу цехда смена катта устаси лавозимида ишлаётганлиги;

4. Жамият кутқарув отряди бошлиги Юсупов Азизбек Холбекович рахбарлиги остида укаси Юсупов Авазбек Холбек угли кутқарув отряди бўлими устаси лавозимида ишлаётганлиги аниқланди.

Юқорида аниқланган ҳолатлар “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш буйича сиёсати” ҳақидаги 2021 йил 27 май кунидан № 793-сонли буйруқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддаси талабларининг бузилишига олиб келаётганлигини эътиборга олиб, ушбу ҳолатларни меъёрий хужжатлар талабларига мутоносиблигини таъминлаш мақсадида “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг курсатмасига асосан корхонада фаолият олиб бораётган “Ахлоқ-одоб комиссияси”да қуриб чиқилиши учун юборилди. Натижада, жамият раҳбарияти томонидан юқорида курсатилган шахслар бошқа цехларга ва лавозимларга утқазилди ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари қурилди.

## **Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларни ўрганиш натижалари**

Жорий йилда корхона жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш бўлимига 508 та мурожаатлар (148 та ёзма, 355 та оғзаки, 4 та “ишонч телефони”, 1 электрон) бўлган. Улардан 362 таси ишга жойлашиш масаласида, ишонч телефонига 4 та, 3 та ҳамкорликка оид, 67 та хомийлик ёрдами сураш, бошқа масалалар буйича 72 та бўлиб, барча мурожаатлар буйича тегишли жавоблар берилган. Жумладан корхонадаги “ишонч телефони”га:

- 2021 йилнинг январ ойида Фаргона шахрида яшовчи фукоро Н.Анваров ишсизлиги сабабли ишга кириш буйича мурожаат қилган бўлиб, унга буш уринлар йўқлиги тушунтирилган;

- 2021 йилнинг март ойида “Мой Пласт” МЧЖ раҳбари томонидан этил ацетат маҳсулотини сотиб олиш буйича мурожаат қилинган бўлиб, савдо бўлими томонидан маҳсулотни биржа орқали сотиб олиш мумкинлиги тушунтирилган.

- 2021 йил июнь ойида жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш бўлимига урнатилган **“Ишонч телефони”** га Қорақолпоғистон Республикасидаги **“Қирғули қогоз заводи”** филиалидан қорхонадан **“гипохлорид натрий”** маҳсулотини сотиб олиш бўйича муурожаат қелиб тушган бўлиб, савдо бўлими томонидан маҳсулотни биржа орқали сотиб олиш мумкинлиги тушунтирилган;

- 2021 йил ноябрь ойида қорхона ишчиси 2 майдондаги светофор йулакчасига утиш йули қизиш масаласида муурожаат қилган. Ушбу масала бўйича вилоят ДАН га хат юборилган.

Ушбу ҳолатлардан ташқари, **“Ўзқимёсаноат” АЖ** нинг **“Ишонч телефони”** га жорий йилнинг 5 март куни (№05/115-сон билан 05.03.2021 йил кунидан қайд этилган) **“Фарғонаазот” АЖ** нинг темир йул цехида меҳнат интизомини қупол равишда бузилиши ҳақидаги муурожаат юзасидан Комплеанс назорат хизмати томонидан ички хизмат текшируви утказилган.

Утказилган ички хизмат суриштируви натижасида барча айбдор шахслар аниқланиб, улардан қелтирилган моддий зарарлар ундириб олинган ва интизомий жазо қоралари қурилган. Шунингдек, темир йул цехидаги меҳнат интизомини қупол равишда бузилишига сабабчи булган **омиллар ва сабабларга** аниқлик қиритилиб, уларга қелгусида йул қуймаслик ва олдини олиш бўйича тегишли **таклифлар** берилган.

Шу билан бирга, жамиятнинг АС-72М цехи юқ ташувчиси Р.М.Ибрагимов томонидан **“Ўзқимёсаноат” АЖ “Ишонч телефони”** га цех бошлиги томонидан унга нисбатан тазйик утқазилаётгани юзасидан қилган муурожаати **“Ўзқимёсаноат” АЖ** Комплеанс хизмати топширигига қура урганилиб, натижалари бўйича маълумот берилган.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 декабрда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги **“Хамқор Агро Минерал” ХК** вакили **“Ўзқимёсаноат” АЖ “Ишонч телефони”** га **“Фарғонаазот” АЖ** ИХКБ ходими ундан навбатсиз автомашинасини қиритиб юбориш эвазига ноқонуний равишда пул талаб қилаётгани тугрисидаги муурожаати бўйича ҳозирда ички суриштирув ишлари амалга оширилмоқда.

**Коррупцион хавф-хатарлар мавжуд булган бошқа ҳолатлар (ишлаб қиқаришда қўшиб ёзиш, омборлардаги қамомадлар, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда йўл қўйилган қамчиликлар, қуқароларни ишга олиш ва лавозимдан лавозимга ўтқазиш ва ҳ.к.) тўғрисида**

**“Ўзқимёсаноат” АЖ** Бошқарув раисининг 2021 йил 2 апрелдаги №08-1260 қурсатмалари асосида **“Фарғонаазот” АЖ** бошқарув раисининг 2021 йил 25 майдаги №382 сонли ҳамда 26 майдаги №389 сонли бўйруқлари қиқарилиб, жамиятга қарашли вақолатли **омборларда (жами 11 та омбор)** сақланаётган минерал угитларнинг жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига хатлови (**инвентаризация**) амалга оширилди.

Натижада, хатлов жараёнида шартномага асосан Олтиарик туманида жойлашган “Bilol Zamin Malhami” МЧЖ омборига саклаш учун берилган (омборчи С.Ш.Тиллабоев) 11 млрд 351,9 млн.сумлик 4397 тонна 558 кг “карбомид” минерал угити, “Агрохимия” АЖ билан тузилган шартномага асосан Бешарик,Богдод, Бувайда, Куштепа, Риштон, Фуркат туманлари хамда Кукон ва Маргилон шаҳарларида жойлашган омборлардаги сакланиши лозим булган жами 8 млрд 523,8 млн сумлик 3 333 тонна 872 кг “аммиакли селетра” минерал угитлари галла ва пахтачилик йуналишидаги кластерлар ва фермер хужаликларига сотиб юборилганлиги аникланди.

Бундан ташқари, Наманган вилояти “Агрохимия” АЖ омборларига саклаш учун юборилган 3 809,470 тонна 10 075 309 112,81 сумлик “аммиакли селетра”, 50 тонна 129 070 900 сумлик “карбомид”, 12, 271 тонна 15 198 091,82 сумлик “суперфосфат”, жами 10 219 578 104,63 сумлик минерал угитлар жамият розилигисиз ва олдиндан туловсиз чиқариб юборилганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар буйича “Фаргонаазот” АЖ раҳбарияти томонидан “Узкимёсаноат” АЖ бошқарув раисига маълумот берилди хамда Фаргона туманлараро иқтисодий судига 3 та даъво аризалари киритилиб, Фаргона вилояти “Агрохимия” хамда “Bilol Zamin Malhami” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Фаргона вилояти прокуратураси томонидан 2021 йил 15 июнда **Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167 моддаси 3 банди билан жиноий иш** кузгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек. “Узкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг жорий йил 27 апрель кундаги № 18-1-1581-сонли курсатмалари асосида “Фаргонаазот” АЖ нинг автотранспорт, махсус техника ва тепловозларга урнатилган **GPS курилмалари** ёрдамида аниқлаштириш (детализация) ишлари утқазилди.

Натижада, жамиятнинг 2 та автотранспорт воситаларига GPS курилмаси шу кунга қадар урнатилмаганлиги ва 13 та автотранспорт хамда махсус техникаларида GPS курилмаси ярқоксиз ҳолга келганлиги сабабли алоқага чиқмаган даври, шунингдек, 1497 литер дизель ёқилгиси талон-тарож қилинган 13 та автотранспорт, махсус техника ва тепловозлар хайдовчилари аниқланди.

Шундан сунг, ҳар бир ҳолат юзасидан жамиятнинг логистика бошқармаси, автотранспорт цехи маъсуллари хамда **23 нафар** хайдовчилар билан ноконуний ҳаракатга яратилган шарт-шароитлар, омиллар ва сабабларига ойдинлик киритиш мақсадида **якка тартибда профилактик** суҳбатлар утқазилди. Бунинг натижасида, ҳар бир маъсул ва хайдовчилар уз хатоларини тулик тушуниб етдилар хамда хайдовчилар уз ихтиёрлари билан жамиятга етқазилган моддий зарарни, яъни, талон-тарож қилинган 1497 литер дизель ёқилгисини тулик қайтардилар.

Шу билан бирга, 23 нафар хайдовчиларга жамият бошқарув раисининг 06 май кунги №688-сонли буйругига асосан, ҳар бирини ойлик маошидан 20 % дан ушлаб қолиш ҳақидаги **интизомий жазо чораси** кулланилди ва шу буйрук билан АТЦ бошлиги Ш.Р.Зокиров ва унинг уринбосари А.А.Абдуллаев автотранспорт цехи иш фаолиятини ташкиллашда йул қуйган камчиликлари юзасидан каттик огоҳлантирилиб, келгусида шундай ҳолатлар такрорланса меҳнат шартномаларини бекор қилиш чораси кулланилиши курсатиб утилди.

Хисобот йилида комлаенс назорат хизмати томонидан **9 та ички хизмат суруштирувлари** утказилди. Жумладан:

1) “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисидан 2021 йил 10 март куни олинган рухсатга асосан “Узкимёсаноат” АЖ нинг “Ишонч телефони” га /№ 05/115-сони билан 2021 й. 05.03. кунидан кайд килинган/ узини исми, шарифини айтишни истамасдан, “Фаргонаазот” АЖ нинг ишчиси деб таништирган шахс, жамиятнинг темир йул цехида катта уста лавозимида ишловчи Л.Шоолимов, цех электриги Р.Эгамбердиев ва коровул А.Ахмаджонов бир неча ойлаб ишга келмасликлари, аммо уларга табел тулдирилиб ойлик маош берилаётганлигини, уларга цех бошлиги Д.Турсунов моддий манфаатдорлик эвазига шароитлар яратиб берганлигини холати буйича ички хизмат текшируви амалга оширилди.

Текшириш ишлари натижасида аникланишича, темир йул цехи бошлиги Д.Турсунов кул остидаги ходимларни касбини кадрлаш, лавозими буйича мажбурият ва ҳуқуқларини виждонан бажариш руҳида тарбиялаш, жамоада катъий меҳнат интизомини урнатиш урнига, цехнинг смена катта устаси Ш.Бегматов ва техник (табельщик функцияси билан) хисобчиси М.Карабаева билан тил бириктириб, катта уста лавозимида ишловчи Л.Шоолимовни иш кунлари хисобланган 2020 йилнинг 10 ва 22 декабр кунлари ҳамда жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари ишга келмаган кунларига, шунингдек, электрик лавозимида ишловчи Р.Эгамбердиевни жорий йилнинг феврал ойини учинчи ун кунлигида ишга келмаган икки иш куни ва цехнинг коровул лавозимида ишловчи А.Ахмаджоновни жорий йилнинг 20,21,24,25 ва 28 феврал кунлари ишга келмаган кунларига табелларни “ишга келган” деб тулдиртириб, уларни ишга келмаган кунларига ойлик маош ёзилишига ва олишларига йул қуйиб, жамият маблағларини талон-тарож қилиш орқали корхонага моддий зарар етказган.

Утказилган ички хизмат суриштируви натижасида барча айбдор шахслар аникланиб, улардан келтирилган моддий зарарлар ундириб олинди. Барча айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қурилиб, темир йул цехидаги меҳнат интизомини қупол равишда бузилишига сабабчи булган **омиллар ва сабабларга** аниклик киритилди ҳамда келгусида йул қуймаслик ва олдини олиш буйича тегишли **таклифлар** берилди.

2) “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 9 март кунидан № 340-сонли буйругига асосан, жорий йил 4 март куни жамиятнинг АС-72 М-сонли цехи омборидан 900 (туккиз юз) дона, жами нархи 14 миллион 262 минг 588 сум булган “орасител универсальный дренчер” ёнгиндан оғохлантирувчи мосламаларни угирлаш жинояти ва салбий холатни содир этилишига сабабчи булган омилларни бартараф этиш мақсадида ички хизмат текшируви утказилди.

Текшириш ишлари жараенида аникланишича, корхонанинг АС-72 М -сонли омбор мудири М.Муминов, хайдовчи А.Кодиров билан жиной тил бириктириб, унинг бошқарувида булган юк автомашинасининг хайдовчи уриндиги остидаги яширин жойга жами 900 (туккиз юз) дона, жами нархи 14 миллион 262 минг 588 сум булган “орасител универсальный дренчер” номли

эхтиёт кисмларни жойлаштириб, жамият худудидан ташкарига олиб чиккан вақтда идоравий харбийлаштирилган куриклаш ва тартибот булимлари ходимлари томонидан ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора куриш учун Фаргона вилояти ИИБ Тергов бошқармасига юборилди. Тергов бошқармаси тупланган хужжатларни урганиб чиқиб, жиноят аломатлари булганлиги сабабли, шу йилнинг 12 март куни **Узбекистон Республикаси ЖК нинг 167-моддаси 2-қисми “в”-банди билан №304011/20212-445-сонли жиноят иши** қузгатилди.

Комплеанс назорат хизмати томонидан угирлик жинояти содир этилишига сабабчи булган омилларни аниқлаш мақсадида ички хизмат текшируви утказилди. Хизмат текшируви давомида жамият бошқарув раисининг жорий йил 9 март кунидаги № 340-сонли буйруги билан тегишли хизматларни жалб этган ҳолда комиссия тузилиб, АС-72 М - сонли омборда бу ерда сакланаётган товар моддий бойликлари захираси хатловдан утказилди.

Ушбу хатлов натижасига кура, омборда жами **332 291 005,58 сум** миқдорда товар моддий бойликлари қамомати мавжудлиги аниқланди. Қамомат юзасидан омбор мудирини М.Муминовдан суриштирилганда, бу моддий бойликлар қурилиш материаллари булганлиги ва улар белгиланган тартибда хужжатлар расмийлаштирилмасдан, яъни, раҳбарлар руҳсатисиз, товар чиқариш хужжатларини тулдирмасдан, товар моддий бойликлардан **98 776 сум**лиги тулик расмийлаштирилмаган хужжатлар асосида, қолган **233 515 сум**лик товар моддий бойликлар ҳеч қандай бирламчи ёзувларсиз жамият худудадаги № 2-ишлаб чиқариш майдонидаги натрий нитрат маҳсулотини саклаш учун қурилаётган очик типдаги омбор қурилишига сарфлаб юборилганлиги маълум булди.

Аниқланган ҳолатлар ишчи гуруҳи томонидан хужжатлаштирилиб, “Узқимёсаноат” АЖ нинг жиноий иш доирасида текшириш ишларини амалга ошираётган текширув гуруҳига тақдим этилди.

Шунингдек, қузгатилган **№304011/20212-445-сонли жиноят иши** буйича суд идоралари томонидан омбор мудирини М.Муминов, хайдовчини А.Қодиров ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди ҳамда улар билан меҳнат шартномалари бекор қилинди.

3) «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 3 март кунги № 330-сонли буйругига асосан, шу йилнинг 19-22 февраль кунлари жамият томонидан темир йул орқали «Агроқимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиалига юборилган аммиакли селитрадан жами 271 қоп (13 550 кг) қам қикқанлик ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви амалга оширилди.

Аниқланишича, «Фаргонаазот» АЖ шу йилнинг 19-22 февраль кунларида «Агроқимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиалига ижарада саклаш учун темир йул орқали вагонларда аммиакли селитра маҳсулотлари юборилганда, «Агроқимёхимоя» АЖ туманлараро филиали мудирини Х.Саидахмедов, шу филиални омбор мудирини Ф.Маҳмудов ва таъминот гуруҳини

мутахассиси А.Рофиев тайёр махсулотларни қабул қилишиб, юк ортилган вагонларда хатларда курсатилган миқдордан кам чиққанлигини аниқлашган ва тегишли далолатномалар расмийлаштириб, мазкур ҳолат ҳақида жамиятни хабардор этишган.

«Агрокимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиали маъсуллари томонидан камомад ҳақида тузилган далолатномалар урганганда 28 февраль куни тузилган далолатномада 6 (олти) та вагонлардан жами 211 та коплар ва 1 март куни тузилган далолатномада 3 (уч) та вагонлардан жами 60 та коплар кам чиққанлиги курсатилган.

«Агрокимёхимоя» ХАЖ га юборилган минерал угитлар камомади жиной йулар билан амалга оширилган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, ҳолат юзасидан тупланган ҳужжатлар юзасидан қонуний баҳо бериш учун Фаргона транспорт прокуратурасига юборилди. Шунингдек, экспортга юборилаётган махсулотларни сифатли ва тулик ҳажмда этиб боришини таъминлаш мақсадида, минерал угитларни вагонларга юклаш ва жунатиш жараёнларида «УЗКИМЁИМПЭКС» ташкилоти вақилини қушимча назоратчи сифатида иштирок этиш масаласи юзасидан таклифлар берилди.

4) «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 3 март кунидан №329-сонли буйругига асосан, жамиятнинг целлюлоза мураккаб эфирлари цехидан 2017 ва 2018 йиллар давомида уксус ангидридини яширин равишда талон-тарож қилиш ҳолати ва уни содир этилишига сабабчи бўлган омилларни бартараф этиш мақсадида ички хизмат суриштируви утқазилди. Натижада, жамиятнинг Қуриқлаш бўлими 4-смена бошлиги Б.Мамашарипов, 4-смена соқчиси Д.Содиков, ҳайдовчи лавозимида ишлаган Ж.Сотволдиев, мураккаблаштирилган эфирли целлюлоза цехи аппаратчилари З.Аслонова, К.Тургуновлар шахсларига ва иш жойларига аниқлик киритилиб, мазкур шахслар 2017 йилдан бери жамият СЭЦ дан яширин равишда уксус ангидрид кислотасини олиб чиқиб сотиш билан шугулланиб келганликларини тан олдилар.

Қорхонада сақланиб келаётган уксус ангидрид кислотасини назорат тартибида ишчи гуруҳи томонидан текшириш жараёнида мураккаблаштирилган эфирли целлюлоза цехида (моддий жавобгар шахс цех бошлиги Б.Султонов) 387 кг уксус ангидрид (ККС сиз 1млн 474 минг сум) ҳамда 264 тонна 802 кг уксус кислотаси (ККС сиз 1млрд 636млн 561минг сум) қамлиги аниқланди. Шунингдек, РУК ва УА (регистрироуванный уксусная кислота и уксусный ангидрид) цехида (моддий жавобгар технология буйича цех бошлиги уринбосари Г.Нишонова) 97 тонна 354 кг уксус ангидриди (ККСсиз 370 млн 643 минг сум) қуп эканлиги ва 236 тонна 786 кг уксус кислотаси ( ККС сиз 1млрд 463млн 416 минг сум) қамлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, қорхонада текширув ишларини олиб бораётган «Узқимесаноат» АЖ мутахассисларига

берилди ҳамда Целлюлоза мураккаб эфирлар цехи аппаратчилари З.У.Асланова ва К.К.Тургунов ҳамда Идоравий харбийлаштирилган куриклаш булими смена бошлиги Б.И.Мамашарипов ва сокчи Д.О.Содиков, шунингдек, ички сув таъминоти цехи электромонёри А.Б.Жумановлар навбатдан ташкари шаходатлаш комиссияси муҳокамасига куйилиб, меҳнат шартномалари бекор килинди.

5) «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 28 апрель кунги № 621-сонли буйруғига асосан, шу йилнинг 28 апрель куни жамият томонидан шартномага асосан темир йул орқали вагонларда Андижон вилояти Марҳамат тумани «Ипак» фермер хужалиғига ҳамда Наманган вилояти Янгиқургон тумани «Голд савдо» МЧЖ га юборилган карбамид минерал угитларини «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТК Кукон темир йулига қарашли «Қирғули» темир йул бекатида бир гуруҳ шахслар томонидан угирлаш ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви утқазилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Фаргона вилояти ИИБ ТХТБ ҳузуридаги Тергов булими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 169 моддаси 2 қисми “в”- банди билан 41105/2021-11-сонли жиноят иши қузғатилган. Мазкур жиноят иши суд идораларида қуриб чиқилиб, айбланувчилар А.Неъматжонов, Ж.Юлдашев, Ж.Абдупаттоев, В.Мамажонов ва С.Юсуповлар келтирилган моддий зарарларни (40 млн. 509 минг 007 сум) тулик қоплаганлар ва турли муддатларга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиндилар.

Утган ҳисобот даврида минерал угитларни угирлаш ҳолатларини олдини олиш ва чек қуйиш учун Фаргона транспорт прокуратурасига «Фаргонаазот» АЖ раҳбарияти номидан Самарқанд вилояти «Агрокимёҳимоя» ХАЖ га юборилган вагонлардан 13550 кг минерал угитлар кам чиқиши ҳолати буйича (Қайд.№ 23/15-44, 06.04.2021 й.), Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Мирзабек Голд» МЧЖ га юборилган 1200 кг карбамид кам чиқиш ҳолати буйича, Наманган вилояти «Наманган пахта Текс» МЧЖ га юборилган минерал угитлардан 2900 кг кам чиқиш ҳолатлари буйича (Қайд.№ 84/1644, 13.04.2021 й.) маълумотлар юборилди.

б) Корхона ишчиларига меҳнат қонунчилиғига зид равишда, **ишга келмаган кунлар учун ҳақ тулаш** ҳолатларини аниқлаш мақсадида қўллаб-қўлланган хизмати, Тартиб ҳамда Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи булими мутахассислари томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, шу йилнинг август ойида автотранспорт цехи раҳбарияти билан ҳамкорликда меҳнат интизоми аҳоли урганганда, цехда ҳайдовчи лавозимида ишловчилар, яъни ҳайдовчи Р.Ражабов 2-5 ва 9-13 август кунлари (жами 9 кун), ҳайдовчи А.Ақбаров 16-18 август кунлари (жами 3 кун), ҳайдовчи Ж.Исмоилов 3-4 ва 12-13 август кунлари (жами 4 кун) ҳамда ҳайдовчи Р.Ҳасанов 3-4 ва 12 август кунлари ишга сабабсиз келмаганликлари маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жорий йилнинг сентябр ойида ички хизмат текшируви утқазилиб, натижасига қура ҳайдовчилар Р.Ражабов, А.Ақбаров ва

Ж.Исмоиловлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, хайдовчи Р.Хасановга эса “хайфсан” интизомий жазо чораси қўрилди.

7) «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 2 август кунги № 1213-сонли буйруғига асосан корхона темир йул цехининг тепловоз машинисти Б.Каримов томонидан шу йилнинг 28 июль кунини ўзига бириктирилган № 8200 рақамли тепловозни, машинист ёрдамчиси М.Турдалиев билан жамият ҳудудида ташқарисида бошқариб кетаётган вақтида, шу тепловозда бўлган, темир йул поезд тузувчиси лавозимида ишловчи С.Абдуразаков билан 2 (икки) та 10 (ун) литр ҳажмдаги пластмасса канистраларга жами 20 (йигирма) литр дизель ёқилгисини талон-тарож қилишиб, “Фаргона-Тошлок” йуналишидаги автомобиллар утиш қўриғи остига С.Абдуразаков томонидан дизель ёқилгисини яшираётган вақтида жамиятнинг Тартиб ва ИХК бўлимлари ходимлари томонидан ушланганлик ҳолати бўйича ички хизмат текшируви ўтказилган.

Натижада, тепловоз машинисти Б.Каримов, тепловоз ёрдамчиси М.Турдалиев ва поезд тузувчиси С.Абдуразаков билан меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Шу билан бирга, уларни ЎзР. МЖТК нинг 61-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини суд орқали ҳал этиш учун тўпланган ҳужжатлар нусхалари Миллий гвардия бошқармаси Қуриқлаш бўлимига юборилган.

8) «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 24 сентябрдаги № 1507-сонли буйруғига асосан, шу йилнинг сентябрида идоравий харбийлаштирилган қуриқлаш бўлимида видеокузатув оператори лавозимида ишловчи И.Х.Рузиев томонидан фукоро Э.Р.Махмудовни ишончига қириб, моддий манфаатдорлик эвазига (300 АКШ доллари эвазига) ишга қиритиб қўйишни ваъда қилганлиги ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви ўтказилган. Натижада, И.Рузиев Э.Махмудовдан олган 300 АКШ долларини қайтариб берган ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

9) «Фаргонаазот» АЖ нинг Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Г.Жаббаров «Интер профнастил» хусусий корхонаси экспедитори О.Юлдашев ва «ТЕХГАЗСЕРВИС» МЧЖ экспедитори Ж.Джумабаевни корхонанинг ККА ва КТС бўлими ходимлари ҳамда «Исмаатжонсавдо» хусусий корхонаси раҳбари И.Тешабоев томонидан шартнома асосида кислород ишлаб чиқариш цехидан двоокис углеродини олишда таъмағирлик ҳолатлари мавжудлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида, ҳолатни очик, ҳолис, шаффоф ва адолатли урганиб чиқиш мақсадида, акционерлик жамияти бошқарув раисининг 2021 йил 18 октябрь кунидан № 1642-сонли буйруғи билан ишчи гуруҳ тузилиб, ички хизмат текшируви ўтказилди.

Текширув ишлари давомида “Интер профнастил” хусусий корхонаси экспедитори О.Юлдашевни, “Техгазсервис” МЧЖ экспедитори Ж.Джумабаевни ҳамда фуқаро Х.Кубанбаевни қурғазмаларида таъмағирлик аломатлари

булганлиги ва бу ҳолатларга ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиши кераклигини эътиборга олиб, тупланган ҳужжатларни ҳудудий тегишлилиги буйича Фаргона шаҳар прокуратурасига юборилди.

Жамият ишчи-ҳодимлари орасида ошкоралик ва шаффофлик муҳитини яратиш ҳамда салбий ҳолатларини олдини олиш буйича утказилган ички суриштурув натижалари буйича корхона бошқарув раҳбариятига **64 та тегишли таклифлар** киритилди. (Таклифлар “Узкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизматида юборилган 9 та ҳулосаларда ёритилган).

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармаси томонидан корхонада “Узкимёсаноат” АЖ мутаххасислари томонидан аниқланган **404 млрд 605 млн сумлик молиявий хато ва камчиликлар билан боглик ҳолатлар буйича кузгатилган 170008/2021-157 сонли жиноий иш доирасида** текшириш ишларини амалга ошираётган гуруҳ томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фаргона вилояти Бошқармаси бошлигининг 2021 йил 23 февralидаги №15/3454 сонли хатига асосан корхонада сакланиб келаётган уксус ангидрид кислотасини назорат тартибида ишчи гуруҳи томонидан текшириш жараёнида мураккаблаштирилган эфирли целлюлоза цехида (моддий жавобгар шахс цех бошлиги Б.Султонов) 387 кг уксус ангидрид (ККС сиз 1млн 474 минг сум) ҳамда 264 тонна 802 кг уксус кислотаси (ККС сиз 1млрд 636млн 561минг сум) камлиги аниқланди. Шунингдек, РУК ва УА (регирированный уксусная кислота и уксусный ангидрид) цехида (моддий жавобгар технология буйича цех бошлиги уринбосари Г.Нишонова) 97 тонна 354 кг уксус ангидриди (ККС сиз 370 млн 643 минг сум) куп эканлиги ва 236 тонна 786 кг уксус кислотаси (ККС сиз 1млрд 463млн 416 минг сум) камлиги аниқланган. Ҳозирда мутахассислар томонидан юкоридаги камчиликларни келиб чиқиш сабаблари, тугалланмаган хом-ашёдан ҳосил қилинадиган тайёр маҳсулотлар ҳисоб-китоблари ва технологик жараёнларни яқунланиши устида иш олиб борилмоқда.

Мазкур аниқланган ҳолатлар «Узкимёсаноат» АЖ томонидан корхона молиявий ҳужалик фаолиятини урганиш учун юборилган гуруҳ далолатномаларига киритилган ва айбдор шахсларга тегишли чоралар қуриш учун “Узкимёсаноат” АЖ раҳбариятга такдим этилган.

**Корхонада ҳодимларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципи шакллантириш буйича уқитиш, тренинг, семинар + профлактик тадбирлар**

**Жорий йилда корхонада жами 14 та умумий профилактик тадбир, 243 та яқка тартибдаги профилактик тадбирлар, 2 та тренинг, 2 та семинар йиғилиши, 2 та тарғибот, 3 та аксилтарғибот, 1 та тест синовлари, 5 та мақола, 5 та тадбирларни расмий сайтга жойлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан:**

- 2021 йилнинг 09 апрелида корхонанинг катта мажлислар залида бошқарув, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши кураш”** тугрисидаги **Конун максад ва вазифалари** ҳамда **“Комплаенс назорат тизимининг урни ва ахамияти”** мавзусида умумий профилактик тадбир ва семинар йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда комплаенс назорат хизмати бошлиги Г.Жаббаров томонидан Ўзбекистон Республикаси **“Коррупцияга қарши кураш”** тугрисидаги Конун, комплаенс назорат хизмати Низоми, вазифалари ва ваколатлари йиғилиш катнашчиларига тушунтирилиб, ушбу конундан келиб чиқиб, коррупцияга қарши кураш ишларида Комплаенс назорат хизмати олдига қўйилган вазифалар тушунтириб утилди.

Мазкур **профилактик тадбир** корхона расмий сайтыга жойлаштирилиб, **“Кимёгар”** газетасининг 22 апрелдаги 4-сонида чоп этилди.

- 2021 йилнинг 28 апрель куни Фаргона вилояти ИИБ транспортда хавфсизликни таъминлаш Бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда **“Киргули”** темир йул станциясида аниқланган ўғирликка алоқадор шахслар ва омилларни муҳокама қилиш, келажакда бундай салбий ҳолатларни олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши кураш ички меърий ҳужжатларини тушунтириш буйича **тренинг** семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш давомида ўғирликнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича кўриб чиқилди. Сунгра бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш буйича таклифлар киритилиб, корхона раҳбарияти томонидан бўлим ва цех бошлиқлари орасида муҳокама қилинди.

Тренинг материаллари асосида аксилтарғибот тадбири утказиш учун корхона расмий сайтыга жойлаштирилиб, **“Кимёгар”** газетасининг 29 июндаги 6-сонида **“Бир жиноят изидан”** сарлавхали мақола чоп этилди.

- **“Фаргонаазот”** АЖ нинг автотранспорт, махсус техника ва тепловозларга урнатилган **GPS қурилмалари** ёрдамида аниқлаштириш (детализация) ишлари утказилиб, жамиятнинг логистика бошқармаси маъсуллари ва ҳайдовчилари иштирокида GPS қурилмаси фаолиятини каттик назоратга олиш, меҳнат интизомига риоя этиш, коррупцион ҳолатларни олдини олиш, жамият мулкани талон-тарож қилиш ҳолатларини олдини олиш масалалари юзасидан **умумий профилактика** тадбири утказилиб, корхона расмий сайтыга жойлаштирилди.

- **“Ўзкимёсаноат”** АЖ Комплаенс хизмати топширигига кура йиллик режага жамиятдаги **ижро интизомини мустаҳкамлаш** буйича алоҳида банд киритилди. Ушбу бандга асосан, корхонада ишчи гуруҳ тузилиб, жорий йилнинг 20-21-22 апрель кунлари **34 нафар** раҳбар ходимлар билан ижро назорати буйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6166 сонли Фармони ҳамда корхонада коррупцияга иллатларига йул қуймаслик тугрисида **якка тартибдаги профилактик** суҳбатлар амалга оширилди.

- Жорий йилнинг 16 июнь куни **“Фаргонаазот”** АЖ кадрлар билан ишлаш бўлими ходимлари иштирокида коррупцияга қарши кураш йуналишида **умумий профилактик** тадбир утказилди. Тадбирда **“Фаргонаазот”** АЖ

комплаенс хизмати бошлиги Г.Жаббаров томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 02 февралдаги 2752-сонли Қарори билан таништирилди.

Шу билан бирга коррупцияга қарши кураш ишларининг долзарблигидан ҳамда кадрлар булими ходимлари бундай хавф-хатарларга дуч келиш эҳтимоли юқори эканлигидан келиб чиқиб, уларга Ўзбекистон Республикаси **“Коррупцияга қарши кураш”** тугрисидаги Қонуннинг мақсад ва вазифалари ҳамда комплаенс хизмати ходимларининг вазифалари тушунтириб утилди.

Бундан ташқари, йиғилиш катнашчиларининг Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш йуналишидаги Қонун ва бошқа норматив ҳужжатларни қай даражада узлаштирганликларини аниқлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан йиғилган ходимлардан **тест синовлари утказилди.**

- “Ўзкимёсаноат” раҳбариятининг 2021 йил 29 апрелдаги №27-1614 – сонли курсатмасига асосан маҳсулот ишлаб чиқаришда, юк ортиш ва кузатиш ишларида иштирок этаётган **176 нафар ходимлардан** (смена бошликлари ва ишчилар) **85 нафари** навбатдан ташқари аттестациядан утказилди. Мазкур тадбир давомида комплаенс ходимлари томонидан ҳар бир ходим билан угирлик ва бошқа салбий ҳолатларга йул қуймаслик мақсадида **якка тартибдаги профилактика** ишлари амалга оширилди.

- 2021 йилнинг 12 март куни “Фаргонаазот” АЖ нинг катта мажлислар залида бошқарув, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари (105 нафар) иштирокида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 декабрдаги **“Коррупцияга қарши кураш”** тугрисидаги Қонуни мақсад ва вазифалари ҳамда комплаенс назорат хизмати тугрисидаги йуриқномалар” мавзусида умумий профилактик йиғилиши ўтказилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 16-17-18-26 март кунлари “Ўзкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизмати бош мутахассиси А.Ражабов ҳамда ички тартибот булими бошлиги Т.Мирбобоевлар билан ҳамкорликда “Фаргонаазот” АЖ идоравий ҳарбийлаштирилган куриклаш булими ходимлари (**61-60-65-79 (жами 265 нафар)**) иштирокида умумий профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 19 март куни “Ўзкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизмати бошлиги Г.Жаббаров, етакчи мутахассис Ш.Бобоев ҳамда ички тартибот булими етакчи муҳандиси Ф.Маллаев билан ҳамкорликда шу йилнинг 04 март куни «Фаргонаазот» АЖ АС-72М цехининг омборчи М.Н.Муминов ва цех хайдовчиси А.Э. Кодиров билан ГАЗ-52 русумли юк автомашинасининг уриндиги остида рангли металлдан ясалган 900 дона «Ораситель универсальный дренаж» ёнгинага қарши техник мосламанли угирлаб, корхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетишган ҳолати буйича утказилаётган ички хизмат суриштуруви доирасида, келгусида бундай салбий ҳолатларни олдини олиш ва йул қуймаслик мақсадида “Фаргонаазот” АЖ логистика булимига қарашли автогараж раҳбар ходимлари билан (жами 16 нафар) **муҳокама қилиниб, умумий профилактик** тадбир утказилди.

Ушбу тадбирдан сунг, логистика хизмати раҳбарлари бошқарма бошлиги А.Исмоилов, автомобиль транспорти цехи бошлиги Ш.Зокиров, уринбосари

У.Умаровлар билан **якка тартибда профилактик суҳбатлар** амалга оширилди.

- Шунингдек, 2021 йил 12 майда “Максам Чирчик” корхонасида радиоактив ва кимматбаҳо металллар ишлатилган буюмларни утирлаш ҳолати бўйича “Узкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг курсатмасига асосан (Кайд.№27-1834, 17.05.2021й.) ишчи гуруҳи тузилиб, корхона ҳудудидаги ишлаб чиқариш цехларида ишлатилаётган ва таркибида қимматбаҳо рангли элементлар сақловчи қурилмалар **хатловдан** ўтказилди ҳамда уларни сақлаш омборларини урганиш ишлари амалга оширилди.

Урганиш ишлари натижасида ишчи гуруҳ томонидан кимматбаҳо рангли элементларни етишмаслик ҳолатлари аниқланмади ва уларни кўриқлашни янада мустаҳкамлаш, ўғирлик келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш учун бутловчи қисмларни алмаштириш, уларни омборга топшириш, ташиш хизмати кўрсатиш жараёнларида иштирок этувчи ишчи ходимларни **боди камералар** билан таъминлаш мақсадга мувофиқлиги тугрисида **таклиф** берилди.

Шу билан бирга, корхона ҳудудидаги ишлаб чиқариш цехларида ишлатилаётган ва таркибида қимматбаҳо рангли элементлар сақловчи қурилмаларга масъул бўлган шахслар билан **якка тартибдаги профилактик суҳбатлар** амалга оширилди.

“Узкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг жорий йил 27 апрелдаги № 18-1-1581-сонли курсатмаларига асосан “Фаргонаазот” АЖ нинг автотранспорт, махсус техника ва тепловозларга урнатилган **GPS қурилмалари** ёрдамида аниқлаштириш (детализация) ишлари ўтказилди.

Натижада, жамиятнинг 2 та автотранспорт воситаларига GPS қурилмаси шу кунга қадар урнатилмаганлиги ва 13 та автотранспорт ҳамда махсус техникаларида GPS қурилмаси яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли алоқага чиқмаган даври, шунингдек, 1497 литер дизель ёкилгиси талон-тарож қилинган 13 та автотранспорт, махсус техника ва тепловозлар ҳайдовчилари аниқланди.

Шундан сунг, ҳар бир ҳолат юзасидан жамиятнинг логистика бошқармаси, автотранспорт цехи маъсуллари ҳамда **23 нафар** ҳайдовчилар билан ноқонуний ҳаракатга яратилган шарт-шароитлар, омиллар ва сабабларига ойдинлик киритиш мақсадида **якка тартибда профилактик суҳбатлар** ўтказилди. Бунинг натижасида, ҳар бир маъсул ва ҳайдовчилар уз хатоларини тулик тушуниб етдилар ҳамда ҳайдовчилар уз ихтиёрлари билан жамиятга етказилган моддий зарарни, яъни, талон-тарож қилинган 1497 литр дизель ёкилгисини тулик қайтардилар.

Урганиш давомида, дизель ёкилгиларини талон-тарож қилган 23 нафар ҳайдовчиларга жамият бошқарув раисининг 06 май кунги №688-сонли буйругига асосан, ҳар бирини ойлик маошидан 20 % дан ушлаб қолиш ҳақидаги **интизомий жазо чораси** қулланилган ва шу буйрук билан АТЦ бошлиғи Ш.Р.Зокиров ва унинг уринбосари А.А.Абдуллаев автотранспорт цехи иш фаолиятини ташкиллашда йул қуйган камчиликлари юзасидан каттик

огохлантирилиб, келгусида шундай холатлар такрорланса меҳнат шартномаларини бекор қилиш чораси қўлланилиши қўрсатиб утилган.

Шу билан бирга, 2 та автотранспорт автомашинасига 13 та автотранспорт ва маҳсул техникалар буйича, шартнома асосида техник эксплуатациясига маъсул бўлган ООО “GPS TECHNOLOGY COMPANY “ га GPS қўрилмаларини таъмирлаш юзасидан **расмий хат юборилди.**

Шу йилнинг 14 июль куни қорхонанинг юқларни қабул қилиш ва жунатиш базасида бошқарув, техник ва хизмат қўрсатиш ходимлари ( жами 23 нафар ходимлар) иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги ПФ-6257 сонли **“Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин қамайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тугрисида”** ги Фармони ҳамда мазкур фармонга асосан **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри”** юритилиши буйича тушунтириш ишлари амалга оширилиб, **умумий профилактик** тадбир утказилди.

Шунингдек, 2021 йилнинг 28 апрелида Фарғона вилояти ИИБ транспортда хавфсизликни таъминлаш Бошқармаси ходимлари томонидан «Фарғонаазот» АЖ дан Андижон вилояти Мархамат тумани «Ипак» фермер хужалигига ҳамда Наманган вилояти Янгиқургон тумани «Голд савдо» МЧЖ ларига вагонларда юборилаётган 2450 кг қарбамид минерал угитини «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТК Қукон темир йулига қарашли «Қиргули» темир йул станциясида юқларни қабул қилиш ва жунатиш базаси ҳамда темир йул станцияси ходимлари томонидан угирлаш ҳолати юзасидан қўзғатилган Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 169-моддаси 2-қисми “в”-банди билан **№ 411051/2021-11 сонли жиноят иши** доирасида мазкур ноқонуний ҳаракатлар муҳокамаси утказилди.

Тадбирда Фарғона вилояти ИИБ транспортда хавфсизликни таъминлаш Бошқармаси бошлиғи майор М.М.Салимов, қатта терговчи майор М.З.Аҳматкулов, ИХКБ бошлиғи А.Ҳамраев, логистика бўлими бошлиғи уринбосари Х.Т.Қаримов, ҳуқуқшунослик бўлими бошлиғи Н.У.Маҳкамова, тарбиб бўлими етакчи муҳандиси Д.Б.Эшонов, юқларни қабул қилиш ва жунатиш базаси бошлиғи А.Б. Исақовлар қатнашдилар.

Майор М.М.Салимов ва қатта терговчи М.З.Аҳматкуловлар ўз марузаларида содир этилган угирлик ҳолатини атрофлича муҳоқама қилишиб, жиноятни содир этилишига ўз вақтида қорхона юқларни қабул қилиш ва жунатиш базаси бошлиқлари томонидан назорат қилинмаганлиги ва профилактик тадбирлар утказилмаганлиги асосий сабаблардан бири бўлганлигини таъкидлаб утдилар.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунослик бўлими ходими Н.У.Маҳкамова ва ИХКБ бошлиғи А.Ҳамраев ўз сузларида бундай салбий ҳолатлар қорхона обрусига путур етказишини, меҳнат жамоаси зийрак бўлиши лозимлигини, мазкур ҳолатлар лоқайдлик ва эътиборсизлик оқибатида руй берганлигини сузлаб утдилар.

Корхона комплаенс назорат хизмати бошлиги Г.Жаббаров Узбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6257 Фармони ҳамда **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри”** юритилиши буйича йигилиш катнашчиларига тушунтириш берди ҳамда угирлик ҳолатларига йул қуймаслик учун қилиниши лозим бўлган ишлар тугрисида айтиб утди.

Утган ҳисобот даврида **“Узқимёсаноат”** раҳбариятининг 2021 йил 29 апрелдаги №27-1614 –сонли курсатмасига асосан махсулот ишлаб чиқаришда, юк ортиш ва кузатиш ишларида иштирок этаётган **176 нафар ходимлардан** (смена бошликлари ва ишчилар) қолган **89 нафари** навбатдан ташқари аттестациядан (2 нафари қасал бўлганлиги сабабли утмади ва 6 нафари **“шартли равишда”** утқазилди) утқазилди.

Тадбир давомида комплаенс назорат ходимлари томонидан ҳар бир ходим билан угирлик ва бошқа салбий ҳолатларга йул қуймаслик юзасидан **якка тартибдаги профилактик** ишлар амалга оширилди.

Корхонанинг ишчи-ҳодимлари орасида ошқоралик ва шаффоқлик муҳитини яратиш ҳамда салбий ҳолатларини олдини олиш буйича ноябрь-декабрь ойлари давомида 4 та **умумий профилактик** тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- 2021 йилнинг 03 ноябр куни Фарғона вилояти ДХХ ходимлари иштирокида коррупцияга қарши кураш йуналишида корхона раҳбар ходимлари билан умумий профилактик тадбир утқазилди.

- 04 ноябр куни вилоят диний ишлар қумитаси, прокуратура, адлия бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда корхона ёш ходимлари уртасида **“Ёшлар-коррупцияга қарши”** мавзусида тренинг семинар йигилиши амалга оширилди.

- 06 декабрда жамият ёшлари билан **“Бутунжаҳон коррупцияга қарши кураш куни”** муносабати билан **“Биз ёшлар коррупцияга қаршимиз”** семинар тренинг тадбири утқазилди;

- 08 декабрь – **“Узбекистон Республикаси Конституцияси куни”** ҳамда **“9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши кураш куни”** муносабати билан тадбир утқазилиб, амалга оширилган ишлар корхона расмий сайтига жойлаштирилди.

Шу билан бирга, худди шу мавзуларда корхона бошқарув раисининг буйругига асосан хатлов утқазилди учун турли соҳалардан ишга гуруҳга қушилган соҳа мутахассислари билан октябр ва ноябр ойлари давомида мураккаб эфирлар целлюлозияси, таъмирлаш қурилиш цехи, сирка ангидриди ва сирка кислотаси цехи, қутқарув отряди, юк қутариш механизмлари участкаси, диагностика участкаси ишчи-ҳодимлари орасида **якка тартибдаги тушунтириш** ишлари амалга оширилди.

Корхона **“Қимёгар”** газетасининг 10-сониди 2021 йил 3 чорак давомида аниқланган салбий ҳолатлар буйича аксилтарғибот ишларини амалга ошириш учун **“Коррупция-тарақиёт қушандаси”** ҳамда 11-сониди **“Ёшларни коррупция қанғалидан асрайлик”** номли **мақолалар** эълон қилинди.

Шунингдек, 2021 йилнинг 26 ноябрида логистика бўлими бошлиги А.Исмоилов, комплаенс хизмати, Хукукшукнослик, Тартиб бўлими, ИХКБ раҳбарлари билан ҳамкорликда корхонанинг АТЦ ишчи ходимлари иштирокида (16 нафар) аниқланган ёки мойлаш махсулотларини уғирлаш ҳолатлари ва бундай ноқонуний ҳаракатларга йул қуйган ходимлар муҳокамаси утказилди. Тадбир давомида уғирлик ҳолатларига йул қуйган хайдовчилар Мараимов Улугбек ва Усмонов Иззатиллолар ишдан бушатилиб, чилангар (слесарь) лавозимларига утказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 июлдаги “Давлат харидларини шаффофлигини ва самарадорлигини ошириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тугрисида” ги Кароридан келиб чиқиб, корхонада давлат харидларини очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилди ва “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 07 июлдаги №1090-сонли бўйруғи чиқарилди.

Бундан ташқари, жамият раҳбар ва ишчи ходимларини “Ўзкимёсаноат” АЖ меърий ҳужжатлари билан таништириш бўйича “Танишув варақаси” тайёрлаиб, уларни таништириш ишлари амалга оширилмоқда.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Комплаенс хизмати топширигига кура йиллик режага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166 сонли “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида” ги фармони ижросини таъминлаш бўйича жамиятдаги **ижро интизомини мустаҳкамлаш** бўйича олиб борилаётган тадбирларни назорат қилиш бўйича қиритилган алоҳида бандга асосан мониторинг тадбирлари амалга оширилди.

Жамият ижро интизомини назорат қилиш бўлими томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида, тулик ва сифатли бажарилиши назорат қилиб борилмоқда ҳамда мурожаатлар билан ишлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Мурожаатларни қуриб чиқиш натижалари ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилмоқда ҳамда ижтимоий тармоқларда чоп этиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда “Қимёгар” газетасининг 2021 йил 26 июлдаги 8-сонида **“Сайёр қабул-мурожаатларга ижобий ечим”** номли мақола эълон қилиниб, мазкур йуналишдаги амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиб берилган.

2021 йилда корхонанинг “Қимёгар” газетасида 5 та мақола чоп этилган бўлиб, уларнинг барчаси жамиятнинг <https://azot.uz/oz/gazeta> сайти ва ижтимоий тармоқларига жойлаштирилган; телеграмм канали: <https://azot.uz/> сайти: [https://t.me/fargona\\_azot](https://t.me/fargona_azot)

фейсбук канали:

[https://www.facebook.com/fargonaazot.uz/?modal=admin\\_todo\\_tour](https://www.facebook.com/fargonaazot.uz/?modal=admin_todo_tour)

инстаграмм: [https://www.instagram.com/fargonaazot\\_uz/](https://www.instagram.com/fargonaazot_uz/)

Бундан ташкари, жамият “Кимёгар” газетаси редакцияси билан хамкорликда **корхона радиоси** оркали аниқланган салбий ҳолатлар буйича аксилтарғибот тадбирларини олиб бориш ва коррупцияга қарши кураш йуналишида тарғибот ишларини амалга ошириш учун комплаенс назорат хизмати томонидан аниқланган салбий ҳолатлар буйича **3 мақола** эфирга узатилди.

Шунингдек, корхонада манфаатлар тукнашувига йул қуймаслик, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида июль ойи давомида ҳар куни соат 9.15 ҳамда 13.20 да Комплаенс хизмати томонидан тайёрланган **“Коррупцияга қарши курашиш-давр талаби”** номли мақола бериб борилди. Ушбу мақолада давлатимиз раҳбари томонидан коррупция иллатига қарши курашиш буйича имзоланган фармон ва қарорлар ҳамда Олий Мажлисга йуллаган Мурожаатномаси, харидлар соҳасидаги шаффоқлик ва қонунийликни таъминлаш, олиб борилаётган ислохатлар ёритиб утилган.

Шу билан бирга, жамият ишчи-ҳодимлари орасидаги коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида “Коррупцияга йул йук” мавзусида **12 та стендлар** тайёрланиб, корхона ҳудудига урнатилди.

### **Корхонадаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати талаблари бажарилиши, коррупцион ҳавф-хатарлар, уларни бартараф этиш буйича аниқ таклифлар**

Юқорида амалга оширилган тадбирлар тахлили шуни қурсатадики, корхонада коррупцияга қарши кураш сиёсатига («Fargonaazot» АЖ нинг коррупцияга қарши сиёсати (Буйрук №1274, 09.11.2020 й.) амал қилинмоқда ва коррупцион ҳавф-хатарлар асосан:

- 1) Корхона омборларидаги ТМБ ларини сақлаш ва маҳсулотларни харидорларга юбориш соҳасида; (“Агроқхимия” омборлари буйича аниқланган ҳолатлар, маҳсулотларни юбориш чоғида “Қирғили” т.й. бекатидаги угирликлар);
- 2) Ишлаб чиқариш, қурилиш ва транспорт соҳаларида; (Целлюлоза мураккаб эфирлар цехидаги уксус ангидрид кислотасини угирлаш ҳолати, АС-72 М цехида натрий нитрат омборини қурилишида аниқланган қамомад, автотранспорт ва ж.д. цехлардаги ёқилги маҳсулотларини угирлаш ҳолатлари);
- 3) Харидларни ташкил этиш соҳасида; (Биржа савдоларида олинаётган и/ч учун зарур маҳсулотларни олиб қелмаслик ва сифатсиз ҳолатда тақдим этиш ҳолатлари).
- 4) Фуқороларни ишга олиш ва меҳнат муносабатлари соҳаларида ( ж.д. цехда аниқланган “мертвые души” ҳолатлари, фуқоролар мурожатининг 70% ишга қириш масаласида эканлиги).
- 5) Ишга қабул қилиш жараёни шу йилнинг 20 августдан янги дастур асосида ТЕСТ синовлари оркали қабул қилиниши йулга қуйилган бўлсада, лекин тест саволлари ва жавобларини тест утқазилгунга қадар очиклаш, воситачи оркали ишга олиб қиришни ваъда қилиш ҳолатларида; (фуқороларни мурожатларининг 70 % ишга қириш

масаласида эканлиги, ИХКБ ходими И.Рузиевни ишга олиб киришни ваъда килиб 300 АКШ доллари олганлик ҳолатлари);

- 6) Ишчиларни ишга келмаган кунларига иш хақи ёзиш, шунингдек, меҳнат муносабатлари соҳаларида (Автотранспорт цехда аниқланган “мертвые души” ёки ишламаган кунларига табель тулдириш ҳолатлари);
- 7) Шартномалар асосида тайёр маҳсулотларни чиқаришда маъсуллар томонидан узаро келишиш орқали ҳужжатларни сохталаштириш йули билан маҳсулотларни ортикча юклаш ишларида;
- 8) Корхона булим ва цехлари томонидан топширилаётган рангли ва қора металлларни тарозида тортиш ҳамда бухгалтерияда ҳужжатлаштиришда, кейинчалик металлларни қабул қилиш базасидан иккиламчи (“вторчермет”) базасига транспортировка қилишда;
- 9) Корхона цехлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни шартнома асосида сотишда моддий манфаатдорлик ва таъмагирлик ҳамда ТМБ ларини талон-тарож қилиш ҳолатларида (Кислород ишлаб чиқариш цехи ходимлари, АТЦ ходимларининг ёкилги маҳсулотларини олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари) аниқланди.
- 10) Корхона оғборларидаги ТМБ ларини саклаш ва маҳсулотларни харидорларга юбориш соҳасида; (“Агрохимия” оғборлари буйича аниқланган ҳолатлар, маҳсулотларни юбориш чоғида “Қирғили” т.й. бекатидаги угирлик ҳолати);

Ушбу хавф-хатарларни олдини олиш ва уларга йул қуймаслик мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан амалга оширилган ички хизмат суруштирувлари ҳулосаларида жамият раҳбариятига **64 та таклифлар** берилган.

### **Коррупцион хавф-хатарларни бартараф этиш буйича таклифлар:**

- Жамият мол-мулкини ноқонуний йуллар билан талон-тарож қилинишини олдини олиш мақсадида корхона раҳбарияти буйруги билан ҳар бир соҳа мутахассисларидан иборат комиссия тузиш ва комиссия ваколатига муддати утган ёки техник яроқсиз ҳолга келган, маънан эскириб фойдаланиш зарурати қолмаган техникалар, жихозлар, буюмлар ва эҳтиёт қисмларини урганиш, шу ҳақда мутахассислар ҳулосаси олингандан сунг уларни (дефектний акт) руйхатидан қиритиш ҳамда урнатиш (установичный) ҳақида далолатномалар тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга қиритиш;

- автотранспорт воситаларини мақсадсиз ҳаракатларини, беҳуда ёкилги сарфига йул қуймаслик, амортизация эскиришини ва бунинг натижасида жамият маблағини талон-тарож қилинишини олдини олиш мақсадида, GPS навигаторни қатъий назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга қиритиш;

- корхона ҳудудида қурилиш объектларини давлат стандартлари асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, “Узқимёсанот” АЖ билан қилишилган ҳолда жамиятнинг қурилиш масалаларига дахлдор соҳаларини қайта қуриб қикқан (реорганизация) ҳолда қурилишларни назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш. Шу уринда, қурилиш қийматини ва сарф-

харажатлар асосли эканлигига ташкаридан мутахассис жалб килган холда бахо бериш ишларини амалга ошириш;

- Корхонанинг иктисодий зонасида тайёр махсулотларни саклаш омборларида, шунингдек, уларни вагонларга ортиш, тарозидан утказиш жараёнларини тулик камраб оладиган жойларга талон-тарож килишни олдини олиш, меҳнат интизоми ва техника хавфсизлигини назорат килиш учун мукаммалашган (модернизация килинган) видеокузатув тизимини урнатиш чораларини куришни;

- Жамиятнинг цех бошликлари ва уларнинг уринбосарлари, иктисодчилар, техник хисобчилар (табельщик) ҳамда молявий-хужалик хужжатлари билан ишлайдиган маъсулларга молявий-хужалик хужжатларини белгиланган талаблар асосида юритиш буйича кушимча укув-семинар машгулотлари ҳамда профилактик тадбирлар утказиш;

- Жамиятнинг барча цехларида уксус ангедрид ва бошка кислоталар сакланадиган сигимлар (ёмкость) атрофи мустахкам темир панжаралар билан уралишини, кириш эшиклари сигнализацияларини техник созлигини таъминланишини, периметрга тулик ёритиш ва видеокузатув мосламаларини урнатиш чоралари курилиши;

- Ишга кабул килиш ва корхонада рахбар ва ишчи ходимларни лавозимдан лавозимга кутаришда ёки тенг лавозимга утказишда (ишдан бушатиш бундан мустасно) ходимлар билан ишлаш булими томонидан комплаенс назорат хизмати билан келишиш механизмини белгиловчи меъёрий хужжатни ишлаб чиқиш;

- Хомийлик, совгалар бериш, мукофотлаш (барча турдагиси) ва хадялар бериш ишларини назорат килиш учун комплаенс хизмати билан келишиш механизмини белгиловчи меъёрий хужжатни ишлаб чиқиш;

- Меҳнат интизомига риоя этилиши ва цехларда “мертвые души” ларга йул куймаслик учун корхона кириш дарвозаларига электрон турникетлар урнатиш ишларини амалга ошириш;

- Коррупцион холатларни олдини олишда тезкорликни таъминлаш мақсадида комплаенс хизмати ҳамда ички аудит биргаликда амалга оширишлари лозим булган тадбирларни келишув механизмини белгиловчи меъёрий хужжатни ишлаб чиқиш;

- Коррупцияга карши тадбирлар самарадорлигини ошириш ва комплаенс хизмати ходимларининг мустакиллигини таъминлаш учун Президентнинг “Комплаенс хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари хақидаги Карор” лойихасида белгилангандек ойлик маошларини корхона рахбарлари даражасига кутариш ҳамда ижтимоий химоя килиш (сихатгохларга юбориш, имтиёзли кредитлар бериш, махсус кийим-бош билан таъминлаш, вхк);

- Коррупцион холатларни олдини олиш ва йул куймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш.

**2021 йилда амалга оширилган ишлар (ютуклар), бартараф этилган коррупцион тенденциялар, 2022 йилда амалга ошириладиган ишлар “Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналарида мурожаатлар таҳлили**

Утган ҳисобот даврида амалга оширилган тадбирлар жараёнида бир қатор **ижобий натижаларга** эришилди ва қурилган чоралар натижасида қуйидаги коррупцион тенденциялар бартараф этилди:

1) Корхонада сакланиб келаётган уксус ангидрид кислотасини назорат тартибида ишчи гуруҳи томонидан текшириш жараёнида мураккаблаштирилган эфирли целлюлоза цехида (моддий жавобгар шахс цех бошлиғи Б.Султонов) 387 кг уксус ангидрид (ККС сиз 1млн 474 минг сум) ҳамда 264 тонна 802 кг уксус кислотаси (ККС сиз 1млрд 636млн 561минг сум) камлиги аниқланди. Шунингдек, РУК ва УА (регистрироуванный уксусная кислота и уксусный ангидрид) цехида (моддий жавобгар технология буйича цех бошлиғи уринбосари Г.Нишонова) 97 тонна 354 кг уксус ангидриди (ККС сиз 370 млн 643 минг сум) куп эканлиги ва 236 тонна 786 кг уксус кислотаси ( ККС сиз 1млрд 463млн 416 минг сум) камлиги аниқланди.

Мазкур аниқланган ҳолатлар «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан корхона молиявий хужалик фаолиятини урганиш учун юборилган гуруҳ далолатномаларига киритилди ва айбдор шахсларга тегишли чоралар қуриш учун “Ўзкимёсаноат” АЖ раҳбариятга тақдим этилди. Шунингдек, корхона бошқарув раҳбариятига бундай ҳолатларни олдини олиш буйича тегишли тақлифлар берилди.

Шу билан бирга, жамиятнинг ички сув таъминоти цехи электромонтери А.Жуманов ва мураккаблаштирилган эфирли целлюлоза цехи аппаратчиси К.Тургуновлар 2017 йилдан бери жамият СЭЦ дан яширин равишда уксус ангидрид кислотасини олиб чиқиб сотиш билан шугулланиб келганликлари сабабли улар қасаба уюшмаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 100 моддаси 4 бандига асосан ишдан бушатилдилар.

2) “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг жорий йил 27 апрель кунидаги № 18-1-1581-сонли курсатмалари асосида “Фаргонаазот” АЖ нинг автотранспорт, махсус техника ва тепловозларга урнатилган **GPS қурилмалари** ёрдамида аниқлаштириш (детализация) ишлари утказилди.

Натижада, жамиятнинг 2 та автотранспорт воситаларига GPS қурилмаси шу қунга қадар урнатилмаганлиги ва 13 та автотранспорт ҳамда махсус техникаларида GPS қурилмаси ярқисиз ҳолга келганлиги сабабли алоқага чиқмаган даври, шунингдек, 1497 литер дизель ёқилгиси талон-тарож қилинган 13 та автотранспорт, махсус техника ва тепловозлар ҳайдовчилари аниқланди.

Шундан сунг, ҳар бир ҳолат юзасидан жамиятнинг логистика бошқармаси, автотранспорт цехи маъсуллари ҳамда **23 нафар** ҳайдовчилар билан ноқонуний ҳаракатга яратилган шарт-шароитлар, омиллар ва сабабларига ойдинлик киритиш мақсадида **якка тартибда профилактик** суҳбатлар

утказилди. Бунинг натижасида, хар бир маъсул ва хайдовчилар уз хатоларини тулик тушуниб етдилар хамда хайдовчилар уз ихтиёрлари билан жамиятга етказилган моддий зарарни, яъни, талон-тарож килинган 1497 литер дизель ёкилгисини тулик кайтардилар.

3) Корхонага олиб кирилаётган ва чикилаётган товар моддий бойликларини талон-тарож килинишини олдини олиш буйича таклифлар берилиб, жамият бошқарув раисининг идоравий харбийлаштирилган куриклаш булими учун чиқарилган 555-сонли буйругига асосан корхонага олиб кирилатган ва чикилатган ТМБ ни хизмат хатлари асосида олиб кириш ва чиқиш таъкикланди.

4) Корхона ишчиларига меҳнат конунчилигига зид равишда, **ишга келмаган кунлар** учун ҳақ тулаш ҳолатларини аниқлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати, Тартиб хамда Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи булими мутахасислари томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, шу йилнинг август ойида автотранспорт цехи раҳбарияти билан ҳамкорликда меҳнат интизоми аҳволи урганилганда, цехда хайдовчи лавозимида ишловчилар, яъни хайдовчи Р.Ражабов 2-5 ва 9-13 август кунлари (жами 9 кун), хайдовчи А.Ақбаров 16-18 август кунлари (жами 3 кун), хайдовчи Ж.Исмоилов 3-4 ва 12-13 август кунлари (жами 4 кун) хамда хайдовчи Р.Хасанов 3-4 ва 12 август кунлари ишга сабабсиз келмаганликлари маълум булди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жорий йилнинг сентябр ойида ички хизмат текшируви утказилиб, натижасига кура хайдовчилар Р.Ражабов, А.Ақбаров ва Ж.Исмоиловлар билан меҳнат шартномаси бекор килинди, хайдовчи Р.Хасановга эса “хайфсан” интизомий жазо чораси курилди.

5) “Узкимёсаноат” АЖ Бошқарув раисининг 2021 йил 2 апрелдаги №08-1260 курсатмалари асосида “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 25 майдаги №382 сонли хамда 26 майдаги №389 сонли буйруклари чиқарилиб, жамиятга қарашли ваколатли **омборларда** (жами 11 та омбор) сақланаётган минерал угитларнинг жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига хатлови (**инвентаризация**) амалга оширилди.

Натижада, хатлов жараёнида шартномага асосан Олтиарик туманида жойлашган “Bilol Zamin Malhami” МЧЖ омборига сақлаш учун берилган (омборчи С.Ш.Тиллабоев) 11 млрд 351,9 млн.сумлик 4397 тонна 558 кг “карбомид” минерал угити, “Агрохимия” АЖ билан тузилган шартномага асосан Бешарик, Богдод, Бувайда, Куштепа, Риштон, Фуркат туманлари хамда Кукон ва Маргилон шаҳарларида жойлашган омборлардаги сақланиши лозим булган жами 8 млрд 523,8 млн сумлик 3 333 тонна 872 кг “аммиакли селетра” минерал угитлари галла ва пахтачилик йуналишидаги кластерлар ва фермер хужаликларига сотиб юборилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Наманган вилояти “Агрохимия” АЖ омборларига сақлаш учун юборилган 3 809,470 тонна 10 075 309 112,81 сумлик “аммиакли селетра”, 50 тонна 129 070 900 сумлик “карбомид”, 12, 271 тонна 15 198 091,82 сумлик “суперфосфат”, жами 10 219 578 104,63 сумлик минерал угитлар жамият розилигисиз ва олдиндан туловсиз чиқариб юборилганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар буйича “Фаргонаазот” АЖ раҳбарияти томонидан “Узкимёсаноат” АЖ бошқарув раисига маълумот берилди ҳамда Фаргона туманлараро иктисодий судига 3 та даъво аризалари киритилиб, Фаргона вилояти “Агрохимия” ҳамда “Bilol Zamin Malhami” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Фаргона вилояти прокуратураси томонидан 2021 йил 15 июнда **Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167 моддаси 3 банди билан жиноий иш** кузгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

б) “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 9 март кунидан № 340-сонли буйругига асосан, жорий йил 4 март кuni жамиятнинг АС-72 М-сонли цехи омборидан 900 (туккиз юз) дона, жами нархи 14 миллион 262 минг 588 сум булган “орасител универсальный дренчер” ёнгиндан оғохлантирувчи мосламаларни угирлаш жинояти ва салбий ҳолатни содир этилишига сабабчи булган омилларни бартараф этиш мақсадида ички хизмат текшируви утказилди.

Текшириш ишлари жараенида аникланишича, корхонанинг АС-72 М - сонли омбор мудирини М.Муминов, хайдовчини А.Кодиров билан жиноий тил бириктириб, унинг бошқарувида булган юк автомашинасининг хайдовчини уриндиги остидаги яширин жойга жами 900 (туккиз юз) дона, жами нархи 14 миллион 262 минг 588 сум булган “орасител универсальный дренчер” номли эҳтиёт қисмларни жойлаштириб, жамият ҳудудидан ташқарига олиб чиққан вақтда идоравий ҳарбийлаштирилган куриклаш ва тартибот булимлари ходимлари томонидан ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора куриш учун Фаргона вилояти ИИБ Тергов бошқармасига юборилди. Тергов бошқармаси тупланган ҳужжатларни урганиб чиқиб, жиноят аломатлари булганлиги сабабли, шу йилнинг 12 март кuni **Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167-моддаси 2-қисми “в”-банди билан №304011/20212-445-сонли жиноят иши** кузгатилди.

Комплеанс назорат хизмати томонидан угирлик жинояти содир этилишига сабабчи булган омилларни аниқлаш мақсадида ички хизмат текшируви утказилди. Хизмат текшируви давомида жамият бошқарув раисининг жорий йил 9 март кuniдаги № 340-сонли буйруги билан тегишли хизматларни жалб этган ҳолда комиссия тузилиб, АС-72 М - сонли омборда бу ерда сакланаётган товар моддий бойликлари захираси хатловдан утказилди.

Ушбу хатлов натижасига кура, омборда жами **332 291 005,58 сум** миқдорда товар моддий бойликлари қамомати мавжудлиги аниқланди. Қамомат юзасидан омбор мудирини М.Муминовдан суриштирилганда, бу моддий бойликлар курилиш материаллари булганлиги ва улар белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан, яъни, раҳбарлар руҳсатисиз, товар чиқариш ҳужжатларини тулдирмасдан, товар моддий бойликлардан **98 776 сум**лиги тулик расмийлаштирилмаган ҳужжатлар асосида, қолган **233 515 сум**лик товар моддий бойликлар ҳеч қандай бирламчи ёзувларсиз жамият ҳудудадаги № 2-ишлаб чиқариш майдонидаги натрий нитрат маҳсулотини саклаш учун курилаётган очик типдаги омбор курилишига сарфлаб юборилганлиги маълум булди.

Аникланган ҳолатлар ишчи гуруҳи томонидан ҳужжатлаштирилиб, “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг жинойий иш доирасида текшириш ишларини амалга ошираётган текширув гуруҳига такдим этилди.

Шунингдек, қузгатилган №304011/20212-445-сонли жинойят иши бўйича суд идоралари томонидан омбор мудирини М.Муминов, хайдовчини А.Кодиров ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди ҳамда улар билан меҳнат шартномалари бекор қилинди.

7) «Фарғонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 3 март кунги № 330-сонли бўйруғига асосан, шу йилнинг 19-22 февраль кунлари жамият томонидан темир йул орқали «Агрокимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиалига юборилган аммиакли селитрадан жами 271 коп (13 550 кг) кам чиққанлик ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви амалга оширилди.

Аникланишича, «Фарғонаазот» АЖ шу йилнинг 19-22 февраль кунларида «Агрокимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиалига ижарада саклаш учун темир йул орқали вагонларда аммиакли селитра маҳсулотлари юборилганда, «Агрокимёхимоя» АЖ туманлараро филиали мудирини Х.Саидахмедов, шу филиални омбор мудирини Ф.Махмудов ва таъминот гуруҳини мутахассиси А.Рофиев тайёр маҳсулотларни қабул қилишиб, юк ортилган вагонларда хатларда курсатилган миқдордан кам чиққанлигини аниқлашган ва тегишли далолатномалар расмийлаштириб, мазкур ҳолат ҳақида жамиятни хабардор этишган.

«Агрокимёхимоя» АЖ Зарафшон туманлараро филиали маъсуллари томонидан камомад ҳақида тузилган далолатномалар урганганда 28 февраль кунини тузилган далолатномада 6 (олти) та вагонлардан жами 211 та коплар ва 1 март кунини тузилган далолатномада 3 (уч) та вагонлардан жами 60 та коплар кам чиққанлиги курсатилган.

Утган ҳисобот даврида минерал угитларни угирлаш ҳолатларини олдини олиш ва чек қуйиш учун Фарғона транспорт прокуратурасига «Фарғонаазот» АЖ раҳбарияти номидан Самарқанд вилояти «Агрокимёхимоя» ХАЖ га юборилган вагонлардан 13550 кг минерал угитлар кам чиқиши ҳолати бўйича (Қайд.№ 23/15-44, 06.04.2021 й.), Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Мирзабек Голд» МЧЖ га юборилган 1200 кг карбамид кам чиқиш ҳолати бўйича, Наманган вилояти «Наманган пахта Текс» МЧЖ га юборилган минерал угитлардан 2900 кг кам чиқиш ҳолатлари бўйича (Қайд.№ 84/1644, 13.04.2021 й.) маълумотлар юборилган.

5) «Фарғонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 28 апрель кунги № 621-сонли бўйруғига асосан, шу йилнинг 28 апрель кунини жамият томонидан шартномага асосан темир йул орқали вагонларда Андижон вилояти Мархамат тумани «Ипак» фермер ҳужалигига ҳамда Наманган вилояти Янгиқургон тумани «Голд савдо» МЧЖ га юборилган карбамид минерал угитларини «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТК Кукон темир йулига қарашли «Қирғули» темир йул бекатида бир гуруҳ шахслар томонидан угирлаш ҳолати юзасидан ички хизмат текшируви утказилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Фаргона вилояти ИИБ ТХТБ хузуридаги Тергов булими томонидан Узбекистон Республикасит ЖК нинг 169 моддаси 2 қисми “в”- банди билан 41105/2021-11-сонли жиноят иши кузгатишган. Мазкур жиноят иши суд идораларида куриб чиқилиб, айбланувчилар А.Неъматжонов, Ж.Юлдашев, Ж.Абдупаттоев, В.Мамажонов ва С.Юсуповлар келтирилган моддий зарарларни (40 млн. 509 минг 007 сум) тулик коплаганлар ва турли муддатларга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди.

Юкорида курсатилган салбий ҳолатлар буйича амалга оширилган умумий профилактик тадбирлар давомида муҳокамалар утқазилиб, оммавий ахборот воситалари орқали аксилтарғибот ишлари амалга ошириб борилди.

Ушбу курилган чора-тадбирлар натижасида корхонанинг минерал уғитларни сотиб олувчи шахслар ва фирмалар ҳамда чет эл компаниялари орасидаги обрусига путур етишига йул қуйилмади ҳамда иқтисодий зарарларнинг олди олинди.

### **2022 йилда амалга ошириладиган ишлар:**

- Корхона “Йул харитаси” да ҳамда коррупцияга қарши кураш йуналишида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда кузда тутилган тадбирларни амалга ошириш;
- Корхона ишчи-хизматчиларини ISO №37001:2016 Халқаро стандартлари талаблари билан мунтазам равишда таништириб бориш;
- Коррупцияга қарши уқитиш услубиёти (Буйрук №1254, 11.08.2021 й.) буйича барча ишчи-ҳодимларни уқитиш ишларини ташқил этиш.
- Коррупцион хавф-хатарларни уз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чораларини куриб бориш.
- Коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва йул қуймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш.

**“Фаргонаазот” АЖ**

Комплаенс назорат хизмати бошлиғи  **Г.Жаббаров**  
28 декабрь 2021 йил.

Комплаенс назорат хизматининг 2021 йил  
учун ҳисоботи билан танишдим:

**“Фаргонаазот” АЖ бошқарув раиси**  
“05” январ 2022 йил.



**А.Салижанов**